МАРЖА АЛЬ – БАҲРАЙН” ЁКИ ДИАЛЕКТИКАНИНГ ТУҒИЛИШИ

У.ОРТИҚОВ, М.САТТАРОВ

В философских беседах двух великих мыслителей средневековья - Жалалиддина Руми и Шамсиддина Тебрези, именуемых румиоведами “маржа аль-бахрайн” (встреча двух морей), зародилась и получила более или менее систематизированное оформление диалектика. В статье освещены диалектические принципы мышления, свойственное Руми, которого Гегель называл своим учителем.

The article describes the dialectical principles of thinking peculiar to the greatest of all thinkers of the East Jaloliddin Rumiy and Shamsiddin Tabriziy. In their philosophical talks called “the meeting of two seas” the main principles of dialectics were formed and systematized. A well known European philosopher Gheghel called Rumiy his tutor.

XXI аср бошларида ўтган асрда бошланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ишлар давом этаётгандек туюлса-да, айнан XXI асрга хос муҳим жараёнлар ҳам ҳаракатга келдики, улар биз яшаётган замин ва жамиятнинг ўзига хослигини белгиловчи чизги бўлишга лойиқдир. Масалан, глобаллашув жараёнларининг кучаяётганини ҳис этмоқдамиз, дунёни ақл бошқаруви ёки ноосфералашуви барча соҳаларга сезиларли таъсир ўтказаётгани бор гап. Яқин-яқингача тараққиёт тўғрисидаги ягона таълимот ҳисобланган диалектиканинг ватани Ғарб эмас, балки Шарқ эканини кўпчилик билмаслиги мумкин, чунки истиқлолгача бизларга унинг муаллифи немис мумтоз файласуфи Фридрих Гегель деб ўргатишган. Барча тараққиёт унсурлари Ғарбга тегишли, Шарқ эса қолоқ ўлкалардан иборат, деб уқтиришган. Ҳолбуки, ҳар қандай цивилизация абадий давом этмайди, балки дам у ҳудудда, дам бу ҳудудда юз беради, гуркирайди ва сўнади. Ҳақиқатда Эрон-Турон заминларида юз берган тамаддун дарғаларидан Жалолиддин Румий ва Шамсиддин Табризий учрашувида, баҳс-мунозара асноси диалектика таълимоти пойдеворига тамал тоши қўйилган эди. Очиғини айтиш керак, Жалолиддин Румийда ислом фалсафаси (у билан боғлиқ ўзликни англаш орқали бериладиган инсон, ҳаёт, моҳият фалсафаси) энг буюк чўққига олиб чиқилган. Румий ўз қарашларида ислом фалсафаси ва Қуръон ғояларига таянган. Пайғамбар ҳадислари ва қудсий ҳадисларни ўз ғазалларига сингдирган Румий таълимотидаги марказий нуқта – инсон, унинг комилликка эришиш шарти ўз моҳияти ичкарисига сайр қилишдир.

Зоҳирий ва ботиний жиҳатларни алоҳида ўрганувчи билимлар бор. Фиқх, илми ҳайъат, тиб илми кабилар моҳиятни қамраб олмайди, улар инсон жасади билан боғлиқ жиҳатларни тадқиқ этади. “Танинг от, сен суворийсан. Ақлли суворий отни охурсиз қўймагай, лекин ўзи ўша охурга тушиб ётмагай. От емиши суворийга озиқ бўлмас, табиат, жамият ҳамда тафаккурни ўрганувчи кимса уларнинг моҳиятини (яширин асрорини) англаш баробарида ўз-ўзининг моҳиятини ҳам англаб боради” - деб уқтиради Румий.- “Олимда илм кучли бўлиши мумкин ва у ўз соҳасида қилни қирқ ёришга лойиқ салоҳият соҳиби бўлиши ҳам мумкин. Лекин ҳаммадан ҳам ўзи учун муҳим, яқин

ва маълум нарсани, яъни ўз моҳиятини ёки ўзини ўзи билмаслиги жуда ачинарли холдир. Фақих ва уламолар дунё нарсаларини ҳалолу-харомга, поку-нопокка ажратганлар, лекин ўзлари покми ёки нопокми бехабардирлар, моҳиятни билмаслар" [2.240].

Румийшунос олимлар қайдига кўра, 1244 йил-нинг 26 ноябрида Кунё шаҳрида, марказдан узоқ бўлмаган жойда, "Салжуқпалас" меҳмонхонаси жойлашган манзилда икки инсон учрашади. Уларнинг бири – Румий, иккинчиси Мавлоно Шамсиддин Табризий эди. Бу учрашув жойини одамлар икки денгиз учрашуви ёки "Маржа-ул-Баҳрайн" деб атаганлар. Уларнинг суҳбатлари уч ой давом этди. Бу суҳбатнинг аҳамияти қадимиятдаги Суқрот ва Афлотун, кейинроқ содир бўлган Ҳёте ва Шиллер учрашувларидан ортиқ бўлса ортиққи, асло кам эмас.

Икки буюк аллома учрашувида тарихда буюк из қолдирган Жалолиддин Румий тўла шаклланди. Инсон кўзгусиз ўз чеҳрасини кўра олмагани каби, бошқа одам иштирокисиз ўзини била олмайди. Ўзлигини ўзгалар воситасида англаши мумкин. Инсонни кўзгудан фарқи шуки, у ҳам акс эттиради, ҳам бошқа инсонни "ёритади".

Инсон инсонга таъсир қилиши, унинг ўзлигини англашига ёрдам бериши мумкин, лекин бир шахснинг иккинчиси билан мутлоқ қўшилиб – қоришиб кетиши мумкин бўлмагани учун ҳам билимлар нисбий, ҳақиқат эса мутлоқдир. Икки инсон орасидаги муносабат (масалан Румий ва Табризий) ўз-ўзини билишнинг мураккаб руҳий (психологик) жараёни бўлиб, ўша муносабат орқали билим биридан иккинчисига ўтади, ёки аксинча. Бу жараён такрор ва такрор юз бергани учун диалектик табиатга эгадир. Лекин муносабатларда сўз муҳим восита бўлиб, Румий уни либосга, маънони эса яширин асрорга ўхшатади.

1. Румий наздида билиш жараёни диалектик табиатга эга: кунлик билимлар янгиланаверади, кечаги билимдан бугунгиси, бугунгисидан эртанги билим мукаммалроқдир. Билишда янги билимлар эскисини инкор этиб боради.

2. Инсон ижтимоий ҳаёти билимларнинг таъсирида мураккаблашиб, янгиланиб, янги мақомга кўчиб боради. Бу ўзгаришлар сабабчиси инсон ва унинг билимларининг нисбийлашувидир. Ҳақиқат эса мутлоқ бир хилқатдир.

Икки тасаввуф алломасининг учрашуви шундоқ кўчада юз берди. Йўловчи – Табризий Румийга Муҳаммад алайҳиссалом устунми ёки Боязид Бастомийми деган саволни берди. Бастомий IX асрда яшаган сўфий алломаси бўлиб, ошиқ "мен"и билан маъшуқ "мен"и ўзаро қоришиб кетганидек, шахснинг батамом ўз-ўзини инкор этиши ҳиссини биринчи бўлиб сезган эди. Бу ҳолатни у фано деб атаган ва тариқатнинг мақсади ҳам ўшадир, деб уқтирган. Сўфийлар Бастомийни кейинчалик орифлар султони – "Султон улорифин" мақомига лойиқ кўрган эдилар. Мавлоно Румий ҳамма қатори бу саволга пайғамбар албатта устун деб жавоб қилди. Савол орқасида яширин асрор ётгани учун Табризий мақсадга кўчди:

- Нега расулуллоҳ "юрагимни занг босиб ҳар куни эгамга етмиш марта тавба қиламан" дейди-ю, Боязид эса: "жисмимда ҳақдан бўлак ҳеч нарса қолмади. Улуғмен, улуғмен, шону-шарафга тўлиқмен" деб айтган?

Жалолиддинга бу нарса тўсатдан берилган зарбадай бўлди. Афтидан, Шамсиддин ҳам билимларнинг нисбийлиги ва ҳақиқатнинг мутлоқлиги хусусида бош қотирган кўринади. Суҳбатдош кўзларига узоқ тикилиб Румий ҳазратлари жавоб берди:

- Расулуллоҳ ҳар куни маънавият поғоналаридан етмиштасини босиб ўтар эди. Ҳар поғонада аввалги поғонадаги билимларининг ноқислигидан тавба этарди. Тафтиш ва тавба билан бирга янги мақомга кўтариларди. Боязид биринчи пояга етиб олиб, унинг завқи-шавқи билан боши айланиб ўша сўзларни айтмиш...

Жавоб жўяли бўлса-да, Румийгача мутлоқ ҳақиқатни билишга қаратилган даъволар асослими, нисбий табиатли билимлар ҳар мақомда аввал-гисини инкор этишга олиб келадими,- деган фалсафий муаммони кўндаланг қилиб қўйди. Румийгача бу саволга хеч ким тўғри жавоб бера олмаган эди [2.243].

Румий ҳазратлари инкорни инкор қонунига яқин келиб, "Ҳар нечук муяссарият - маҳрумиятдир, ҳар нечук маҳрумият - муяссариятдир",- деб хулоса чиқарди. Учрашувнинг кейинги қисми Румийнинг яқин дўсти Мавлоно Салоҳиддинникида давом эттирилди. Жалолиддин ўз устозига ва ҳаммаслагига шунчалик боғланиб қолдики, усиз олам тор кўриниб кетар эди. Устози уни шундай оламга бошладики, у бошқа бирорта ҳам одамнинг тушига кирмаган эди. Янги билимлар оғушида Жалолиддиннинг ботиний билимлари тўлдирилди, аниқлик киритилди. "Лекин дўсти очган дунё, тамом янгича ирфон эди",- деб эслайди ўғли Султон Валад. Шамсиддин Табризий ўз эътиқодини касбга айлантириб олган шайх ва сўфийларни хуш кўрмас эди: "Улар дину-диёнат йўлидаги қароқчилардир. Улар эътиқодини мақсадга айлантиришган. Олиму уламолар эришган илму иймон хақиқат олдидаги бир пардадир. Аслида илм ҳам, иймон ҳам – мақсад эмас, восита.

Мақсад – инсондир". Чунки жамики нарса инсонга тобе ва инсонга хизмат қилади, инсон эса ўз-ўзига тобе. Қуръони Каримда тахтни ҳам, самовотни ҳам Аллоҳ эъзозламади, фақат инсонни эъзозлагани ва бошқа махлуқлардан зиёда қилиб яратганини эсланг! Ўз-ўзини билган инсон ҳамма нарсани билади. Ҳамманинг юзи Каъбага қаратилган, уни олиб қўйилса, одамлар бири-иккинчисига томон сиғинаётган бўлиб чиқади. Бирининг қалби – бошқасига қибла! Мақсад – мукаммал инсон, яъни инсони комил. Румийнинг сирли дўсти Шамсиддин учун "Расулуллоҳнинг тоат-ибодатдаги завқ-шавқи унинг ўз-ўзини унутиши эди" – деган хадиси шариф инсони комил концепциясини илгари суришга туртки бўлди. Ўз-ўзини англаган ва ўз-ўзини унутган (тарк этган) инсон – комил инсон деб хулоса чиқаради икки дўст. Дунёга монистик нуқтаи назар билан қараган дўстлар тасаввуфнинг барча оқимларини ўрганиб, бирортасига ҳам эргашмадилар. "Ҳамма ўз шайхига суянур, мен ҳам сувни чашманинг ўзидан ичамен" Баҳс-суҳбат давомида фалсафий хулосалар қилинади: бутун олам қудрати илоҳийнинг намойишидир. Комил инсон – башариятнинг мақсади бўлиб, оламнинг гултожидир. "Инсон қадам ташлайди, ўз-ўзини англаб боради ва ўз-ўзини унутиб дунё билан бирлашган инсон тангрига баробардир. Румий ўзининг "Девони кабир"ида: "О, сиз, худоталаблар! Тангрини излашга хожат йўқ, тангри – сизнинг ўзингиз!" деб ёзган эди. Шамсиддин Табризий дўсти Жалолиддинга етказган ва ўз ҳаётига зомин бўлган билимларда пантеистик, гуманистик ғоялар, меҳнаткаш ҳунармандлар кайфиятлари жой олган эди. Унинг учун бойлик, наслу насаб, мавқе-мартаба, ҳатто дину диёнат одамларнинг тоифаланиши, ажралишига сабаб бўлмаслиги керак. Юртимизнинг яқин ўтмишида, ҳатто ҳозир ҳам уламолар ичида тоифаланишни хуш кўрадиган ва ўзларини ислом билимдони деб кибрга борувчилар анчагина. Айрим ҳудудларда ҳатто қабристонни ҳам бўлиб олишиб, "бу ер эшон ва саидлар, хўжа ва махсумларга тегишли, нариги қабристон қораларники" деб майитни дафн этишга қаршилик қилувчилар ҳам топилиб туради.

Мавлоно Жалолиддин учун ҳам, Шамсиддин учун ҳам барчаси бир хил одамлардир. "Менга кофирни кўрсат, мен унга сажда қилай. Мени кофир деб ата, мен сени тавоф айлай. Куфр – иймонда ва иймон – куфрдадир". Жалолиддиннинг ўғли Султон Валад отаси ҳақидаги "Мулоқот" китобида "унга ҳамма нарса баробар бўлди: баланд ҳам, паст ҳам" деб ёзади. Зеро, Румий шеъриятида:

Куфрият уммонидин топдинг ажаб дури иймон,
Жаннатийсен, гарчи ҳоло, масканинг
дўзахдадир...

каби мисраларни учратамиз. Икки донишманд мулоқотида Жалолиддинда яшириниб ётган, ҳатто унинг ўзи билмаган кучлар ташқарига чиқди. Уламоларнинг сиймоларга "сажда" қилишини Шамсиддин ёқтирмас эди. Бу нарса уларнинг жонли ҳаёт олдидаги сўқирлиги ва эркин туйғулар олдида қўрқиб туришлари натижаси деб тушунар эди. Румий сўфиёна мажлисларда чидаб тура олмай қичқирар эди: "Қачонгача умрингизни фалончининг сўзию, фистончининг қарашлари, ҳикмати, деб зое қиласиз. Бир бутунлигича ўзингизники бўлган сўзларинг қани?" Табризийни яхши тушунган Румий уни "Султон ул-гадоин" деб атаган эди. Чунки у дабдаба кишиси эмас, ҳақгўй ва чўрткесар халқ одами эди. Румий наздида ҳамма, ҳар бир инсон комил бўлиши мумкин, инсон муқаддасдир. Эҳтимол, у гадо ё косибдир, уламодир, шоирдир, қулдир. Румий наздида Табризий комил инсон тимсоли ёки мужассамидир. Шоир дўстини қуёш ва нур қўшини бўлмиш подшо деб атайди.

50 ёшида Румий ижоди ҳам, фалсафий тафак-кури ҳам энг баланд чўққига кўтарилди. У форсий, юнон, туркий мисралар бита олган сўз устаси эди. Асарлари тезлик билан мусулмон дунёсининг энг узоқ бурчакларига етиб борди. Унга барча жой-лардан одамлар (Самарқанд ва Бухоро, Табриз ва Қохира, Яман ва Дамашқ, Кордова ва Малаги) машъалга талпингандек интилдилар. Румийнинг фалсафасидаги энг муҳим ақида: эришганга қано-ат қилиб яшаш – маънавий ўлим, замондан илга-ри кетиб қадам ташлаш – чинакам ҳаёт эканлигидир. Ушбу хулосани яшаш диалектикаси ёки ҳаёт диалектикаси деб аташ мумкин.

Ўшал Аҳмадману, аммо кечаги
Аҳмад эрмасман,
Самандар қушман-у, лекин кечаги
донни емасмен.
Яшар бир подшоҳим, орзу айлар
ўзга подшоҳлар,
Ўшал подшоҳ – ўзим, лекин кеча
сен билган эрмасмен

деб ёзди буюк диалектик шоир. Дунёга, барча инсонларга баробар мурожаат этиб: "Менга вахдат майини тутгил, ўзгаларни ҳам ондин бахраманд этгил, токи жамоат жам бўлиб, фақат сувратда бўлмиш тафовутларни бартараф этайлик. Биз, ҳаммамиз ягона оғочнинг бутоқлари, ягона қўшиннинг навкарларимиз".

Олам доим ўзгаришда, инсон доимо ўзгаришда, ҳаёт ўзгарувчан, қотиб қолган нарсанинг ўзи йўқ. Кеча-кундуз ўзаро алмашинуви ҳам зиддиятли, ўзаро бирлик ва тафовутли эканлигини эътироф этувчи шоирни шўролар идеологияси исёнкор (ёки кўпи билан инқилобчи) деб атади. У пайтларда инқилобчи шоирлар кўкларга кўтариб мақталган. Румий оламнинг ягоналиги, инсон унинг марказида туриши, билимлар нисбийлиги орқали мутлоқ ҳақиқат сари одимлаш мумкин, деб тушунди. Авлодлар "Форсий қуръон" деб атаган олти жилдли "Маънавий маснавий" яратган, "Ичингдаги ичингдадир" деб атаган руҳий-фалсафий асар, "Девони кабир" каби фалсафий-назмий асар қолдирган махсулдор шоирни мусулмон дунёси бошига кўтарди. Мутафаккирлар мутафаккири нафақат шарқни балки бутун ғарбни ҳам мунаввар этувчи мерос қолдириб деярли салкам саккиз асрки ўқувчини хайратга солиб келмоқда.

Буюк немис мутафаккирлари Ҳёте ва Ҳегел Румий асарларини кўп бор мутолаа этдилар. Румий диалектикаси ва Ҳегел диалектикаси унча кўп фарқланмайди. У ўз хотираларида Румийни маънавий устози деб атайди. XX аср ҳинд шоири Муҳаммад Иқбол Румийни ўз устози ва ғойибона пири деб билди. Нозим Хикмат юзлаб рубоийларини Румийга бағишлади. Румийнинг бутун башариятнинг бирлиги хақида сўзлари буюк жасорат эди. Мазхаб, миллат, ирқ, тилдаги тафовутлар инсониятни фақат чалғитади, холос. Аслида ер юзида тангри барча махлуқотдан мукаррам этган одам авлоди яшамоқда. Моҳиятан уларнинг бирлашишига монелик йўқ, тафовут йўқ. Сиртқи тафовутлар илмсизлар учун баҳонаи сабаб, илмлилар учун эса ҳеч нарса:

Валийдурсан ва ё масту хумор –
бу мен учун фарқсиз,
Жума, якшанбадирми рўзғор –
бу мен учун фарқсиз...

деб ёзди буюк аллома. Ундан жами эллик минг мисра шеърий мерос қолди. Лекин шеър унга мақсад эмас эди. У учун асосий нарса – одамнинг моҳияти ва ҳаётдаги ўрни эди.

Тириклик аслида бил, бандаликдир,
Тириклик бандаликсиз шармандаликдир.

Инсоннинг жамиятдаги ахлоқий мавқеини белгиловчи бу сатрлар иймон-эътиқод орқали адолатли жамият қуриш мумкинлигига ишора қилмоқда. Дахрий одам эса қарама-қарши қутб кишиси, у ҳеч нарсадан қўрқмайди. Шўролар даврида қонун бузувчиларнинг кўпчилиги қонунбузарликда гувоҳлар бўлмаса, ҳар қандай қонунни ўз манфаатингга бўйсундиришинг мумкин, деб ҳисоблаган. Эсланг: партиянинг олтинлари ва уларни туя қилувчилар ҳақида шов-шувли мақолаларни, амин бўласизки у даврда мансабдорлик ўғирликка хизмат қилган ёки бир парда бўлган экан.

Шўролар даврида чоп этилган фалсафий луғатларда Жалолиддин Румийга ўрин берилмаган. Чунки унинг ижоди ўз шайдосини иймон эътиқодга ошно қилар эди.

Румий ҳазратларига мўъжиза ҳақида гапирганларида, у мўъжизага ишонмаслигини айтади. Зеро, у жаҳолатдан ақл устуворлигига, руҳсизликдан руҳият оламига кўтарилиш – асл мўъжиза деб тушунади. Пасткашликдан эзгуликка кўтарилиш – мўъжиза, ер юзида инсон бўлишнинг ўзи – мўъжиза, деб билади. Инсон ҳақдин мўжиза бўлиб келди. Унинг бунёдкорлиги, бағрикенглиги, кечиримлилиги, эзгуликни севиб яшаши – мўъжиза!

XX аср цивилизациясини кўкларга кўтарувчи сиёсатдонлар оврупоцентризм таъсирида Шарқни камситишларига мавлоно Румий мисолида чек қўйиш адолатдандир. Илмий тафаккур маркази сифатида Марказий Осиё оламга берган олимлар салмоғи Ғарбникидан залворлироқдир. Шарқнинг Ғарбга ижобий таъсирини ўрганувчилар "доно Шарқ" деб аташлари бежиз эмас, асослидир [3.1-200]. Румий эса Ғарб олимларини қарийб тўққиз асрдан буён ҳайратга солиб келмоқдаки, бу биз шарқликлар учун ҳам шараф, ҳам ғурурдир.

Адабиётлар:

1. Румий, Жалолиддин. Маънавий маснавий.- Т.: Шарқ, 2006.
2. Румий, Жалолиддин. Ичингдаги ичингдадир.- Т.: Маънавият, 2007.
3. Р.Фиш. Жалолиддин Румий.- Т, 1986.
3. Комилов Н. Тафаккур карвонлари.- Т., 1996.

Андижон давлат университети,
2013 йил 25 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)